ИСТИҚЛОЛ СТРАТЕГИЯСИ ВА ФАЛСАФАСИГА ЧИЗГИЛАР

Т.ОРТИҚОВ

Автор статьи рассуждает о роли книги И.А.Каримова "Узбекистан на пороге достижения независимости" в осознании исторического процесса, приведшего к независимости страны, о роли данного произведения в воспитании молодого поколения.

The author of the article expresses his opinion on the role of the book "Uzbekistan on the eve of gaining its Independence" written by I.A. Karimov in understanding the historical process leading to the independence of the country and on the role this precious work in educating the younger generation.

Муҳтарам юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли асарида мамлакат ўша йилларда мураккаб сиёсий ўйинлар ва найрангбозликлар гирдобида қолганлиги драматик тарзда ҳамда лўнда баён этилган. Китобни ўқиб чиққан киши ўзини ўша воқеалар ёнида кузатаётгандай ёки ўзи ҳам иштирок этаётгандай ҳис қилади. Бу асар турли анжуман ва йиғилишларда президент сўзлаган нутқлардан иборат. Бу, албатта, сиртдан шундай. Ўша нутқ ва маърузаларни ўқиб чиққан инсон эса мустақиллика интилиш 1991 йилдан анча илгари бошланганини англаб олади.

"Халқ сўзи" газетасининг 1991 йил 27 март сонида аграр ходимлар қурултойида президент И.А.Каримов сўзлаган нутқ эълон қилинган эди [тўпламда 306-329 бетлар]. Унда мамлакатнинг 1991 йил бошидаги сиёсий-иқтисодий, маънавий аҳволига холисона баҳо берилган. Тўғрисини айтиш керак: Шўролар таркибидаги республика минбаридан туриб бундай нутқ сўзлаш учун отнинг калласидай юрак ва шижоат керак эди! Шу маърузадан олинган қуйидаги парчани ўқибоқ бунга амин бўлиш мумкин: "Сиёсий тарафкашлик кучайди. Турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг ўзбошимчалиги, қарама-қарши адоват уруғлари жамият барқарорлигини ларзага солмоқда... Саноат ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқариш муттасил пасаймоқда. Пулнинг қадри тушиб кетмоқда. Нарх-наво ошмоқда. Халқнинг озиқ-овқат ва моддий таъминоти ёмонлашяпти, унинг тинчлиги бузиляпти. Натижада қайта қуришга бўлган ишонч сусаймоқда. ... замонавий қурол-аслаҳалар қўлланилиши билан содир бўлаётган жиддий тўқнашувлар мамлакатимизни граждан-лар уруши ёқасига олиб келиб қўймоқда. ... Давлат буюртмалари бажарилмади. Мамлакат яна четдан дон сотиб олишга мажбур бўлди. ... Мамлакатга ҳозир ниҳоятда зарур бўлган тартиб-интизом йўқ ҳисоби. Ақл-заковат билан тўплаган тажриба ва анъаналар ҳам барбод этилмоқда" [306-308]

Ўша мудҳиш қайта қуриш сиёсатини, ёлғон ваъдалар ва ёлғон таклиф ҳамда режаларни, академик Л.Абалкиннинг "500 кун" деб аталган лойиҳасини эсланг. Хатто бизнинг Ўзбекистонга ҳам кириб келган "рэкет" деб номланувчи (1992-1993 йиллар) босқинчиликларни, Фарғона, Қувасой, Паркент, Бўка воқеаларини эслаганда табиий савол туғилади: Нега Москва тизгинни бунчалик бўш қўйиб юборди ёки ўзи ўша воқеаларни ташкил этди? Сабаби, иқтисодий қийинчиликлар ва бошқариб бўлмайдиган бўхрон шароитида халқнинг диққат эътиборини чалғитиш керак эди. "Москвасиз сенлар тинч яшай олмайсанлар, бизсиз сенларга тинчлик йўқ" деган сиёсатнинг талвасаси, Шўролар империясининг ҳалокат ёқасидаги, чоҳга қулаб тушиб кетаётганидаги жазаваси эди ўша воқеалар.

1991 йил 18-28 августдаги ГКЧП бошчилигидаги давлат тўнтариши нега содир этилди? Сабаби, М.С.Горбачев ҳукумати батамом ишончни йўқотди. Зеро, унинг ўзи ҳам ҳаракатлана олмайдиган бузуқ давлат машинаси бошқарув рулига ўтирган эди. Л.И.Брежнев КПСС XXV, XXVI съездларида қўшиб ёзилган, ёлғон ҳисоботларни ўқиб халқни алдаб келаётган эди. Режали иқтисодиёт ўзини-ўзи батамом ҳалокатга етаклаб борди. Эсимда бор ўша маърузалар: оғир саноатда пўлат эритиш 101% (аслида 89%) машинасозлик 102% (аслида 91%), руда қазиб олиш 106% (аслида 92%) каби рақамлар келтирилар эди.

Хўш нега бундай ҳолат юз берди? Нега АҚШ каби қудратли давлатларни "туёғигача зирқиратган", ўзи билан ҳисоблашиб яшашга мажбур қилган Шўро давлати пароканда бўлди? Бунинг бош сабабчиси режали иқтисодиёт бўлса, қўшимчаси бошқарув тизимининг ўта марказлаштирилганидир. Марказдан бошқа ҳудудларда эркин иқтисодий шароит йўқ эди. Барча нарсага марказнинг рухсати керак эди. Яна бир сабаб, шўролар иқтисодиёти асосини тинчлик товарлари ишлаб чиқариш эмас, балки ҳарбий саноат комплекси маҳсулот-

лари, яъни қурол ишлаб чиқариб, унинг фойдаси ҳисобига яшаш принципи тутиб турар эди. Қурол-аслаҳани сотиш учун эса "ўтли нуқталар", яъни ўзаро уруш ҳолатида бўлган мамлакатлар керак бўлар эди. Ана шундай "ўтли нуқталар" Шўролар давлати сунъий ташкил қилган. Иш шундай даражага бориб етдики, шўро ҳукумати баъзан уруш ҳаракатидаги ҳар икки томонга ҳам қурол сотди. Масалан, 1982-86 йилларда Эрон-Ироқ ҳарбий ҳаракатларида Ироққа ошкора (Саддам Хусайн – Москванинг дўсти деб эълон қилинган), Эронга эса махфий тарзда ("Ирангейт" воқеаси) қурол-аслаҳа сотилган эди. АҚШ разведкаси Шўролар иқтисодиётида 60-61 % ялпи маҳсулот ҳарбий-саноат комплекси ҳисобига тўғри келишини аниқлаб, "совуқ уруш" сиёсатидан воз кечишни таклиф қилди. Натижада оловли нуқталар сони кескин камайди, омборлар ҳарбий маҳсулотлар билан тўлиб кетди. Қурол-аслаха сотиб оладиган "ҳаридор" йўқ бўлгани туфайли Шўролар иқтисодиёти таназзулга юз тутди. Бу ҳолат СССР нинг тарқалиб кетишига олиб келди. Шундай қилиб, икки қутбли олам модели барҳам топди. Ҳозир эса кўп қутбли олам модели маъқул эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Президент 1991 йил 27 мартдаги Республика қишлоқ хўжалик ходимлари Қурултойида сўзлаган нутқида "деҳқон бой бўлмасдан – ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас, халқимизнинг, элюртимизнинг ҳаётини, келажагини фаровон қилиб бўлмайди" [311] деган хулоса қилади. Шу нутқида қишлоқ хўжалигида деҳқонга бериладиган иш хақини ошириш, одамларга сигир бериш, ем-хашак учун ер участкаси ажратиш масала қилиб қўйилди. Аҳолига ссуда ва қурилиш материаллари беришни президент иқтисодиёт қўмитаси ва қишлоқ хўжалик вазирлигига юклашни таклиф қилинди. Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш дастури тўла бажарилмаётганидан ташвиш билдирган. Биринчи марта ушбу маърузада муаллиф бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги ва аҳолининг айрим қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масаласини кўтарган [324].

И.А.Каримов мустақиллик ҳақида гапириб, "Мустақиллик энг аввало, халқ бирлиги, хамжиҳатлиги эканини унутмаслик керак" [324] деб огоҳлантиради. Шундан ҳам маълум бўладики, истиқлол учун халқни сафарбар қилиш, уни мақсад атрофида бирлаштириш иши мустабид тузум ҳукмронлиги даврида бошланган экан. Динга муносабатимиз ижобий томонга ўзгаргани, наврўзнинг қайта тиклангани, ўтмишдаги улуғ мутафаккирлар, олимлар, диний уламоларимиз мерослари халқ мулкига айланаётгани, маърака ва маросимлар бемалол ўтказилаётгани ҳақида ҳам И.А.Каримов қувониб гапирган: "Олдимизда турган улкан, жуда оғир вазифаларни бажариш муаммоларни ечиш, катта синовлардан ўтиш буларнинг ҳаммаси халқимизнинг руҳини, миллат ғурурини тиклаш билан боғлиқдур" [325]. Нотиқ ўшандаёқ собит ишонч билан шундай дейди: "Сизларни ишонтириб айтаманки, улуғ ўзбек халқининг қаддини албатта ростлаб оламиз, руҳини кўтарамиз, ғурурини тиклаб, олдимизга қўйилган мақсадга эришамиз, албатта" [329].

Юқоридаги маърузани ўқиганда, муаллифнинг олдиндан кўра билиш қобилиятига таҳсин айтасан. Зеро, ўша нутқа қарийб 21 йил бўлди, унда қўйилга вазифалар тўла ечимини топди: миллатимиз ўз қаддини ростлаб олди, руҳи кўтарилди, топталган ғурури тикланди. Бугун мамлакат жаҳонга танилди, нуфузи ортди, тарихи тикланмоқда, шаҳар ва қишлоқлар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Одамлардаги боқимандалик, бепарволик, лоқайдлик йўқолиб борди. Мулкдорлар синфи шаклланди. Иқтисодиёт бақувватлашиб бормоқда. Юртимизга ишбилармон инвесторларнинг қизиқиши кучайди. "Шу юртни эгаси – барчамиз" деган кайфият шаклланди. Бизнингча, буларнинг бари олдиндан кўра билиш қобилияти туфайлигина эмас, балки режали асосда оқилона юритилган сиёсат, сабот билан қилинган меҳнат, "элим деб, юртим деб ёниб яшаш" маҳсулидир.

Юртбошимиз асарини ўқиб, ҳақиқатан ҳам халқимиз ҳеч кимдан кам эмаслигига, шонли ўтмишга, юксак маънавиятга, меҳнаткаш халққа эга бўлган юрт мустақил бўлиши қонуний эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Агар мабодо "Нима учун Ўзбекистон халқи мустақилликка хақли?" деган савол қўйилса, онгу шуурримизда қуйидаги жавоблар янграйди:

1. Жаҳон тамаддунларнининг умумий сони қадимшунослар эътирофига кўра 21 та ҳисобланмоқда. Айни охиргиси Ғарб тамаддунидир. Жаҳон бугунги кунда унинг таъсирида яшамоқда. IX-XIV асрларда юз берган Марказий Осиё тамаддуни уларнинг энг буюгидир. Чунки бу тараққиёт жаҳонга минглаб олиму уламоларни, ҳозиргача ўз таъсирини йўқотмаган юксак маънавий меросни, ўзига хос меъморчилик, ҳунармандчилик, тасвирий санъат, шаҳарсозликни тортиқ қилди. Боз устига, бу тамаддун шарқ ва ғарбни мустаҳкам боғловчи хилқат сифатида, ўзга тамаддунларни келтириб чиқарувчи бир қудрат сифатида буюк вазифани бажарди. Унинг қоқ маркази Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. 2. Жаҳон тарихида, жаҳон илм фани тараққиё-

тида улкан аҳамият касб этган 5 та академия – илмий марказлар эътироф этилади. Уларнинг **биринчиси** милоддан аввалги 387 йилда Афина яқинида Платон (Афлотун) томонидан ташкил этилган; иккинчиси Бағдоддаги (823 йил) халифа ал-Маъмун ташкил этган "Байт-ул-Хикма" – шарқнинг дастлабки академияси; учинчиси Хоразмшохлар сулоласининг вакили Маъмун ибн Маъмун Абдулаббос (1009-1017) таъсис этган академия; тўртинчиси Улуғбек (1394-1449) Самарқандда ташкил этган олимлар уйи ёки Улуғбек мактаби бўлса, бешинчиси Исаак Ньютон бошчилигида фаолият юритган Лондондаги Қироллик академияси номи билан академиядир (1703 йил).

Қарангки, зикр этилган академияларнинг учтасига юртдошларимиз раҳбарлик қилган, иккитаси эса Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган.

3. Фалсафа тарихи билан шуғулланувчи ғарб олимлари буюк файласуфларнинг биринчи тўртлигига Аристотель, Платон, Фаробий ва Ибн Синоларни киритганлар. Бу олимлар салоҳияти ва фандаги кашфиётлари салмоғига кўра шундай. Қарангки, уларнинг икки нафари бизнинг ватандошларимиздир.

4. Дунёга дин берган мамлакатлар жуда озчиликни ташкил этади: Хитой (конфуцийлик ва даосийлик динлари), Ҳиндистон (буддизм ва ҳиндуийлик динлари), Фаластин (яҳудийлик ва насронийлик динлари), Саудия (ислом дини), Ўзбекистон (исломгача жаҳон динига айланган Зардуштийлик дини).

5. Исломшунос олимларнинг эътироф этишларича, ушбу дин тарқаган ҳудудларнинг кўпчилиги исломга қарши турганлар. Хатто Арабистон ярим оролининг ўзида ҳам ислом эътиқод ва ибодат кўринишидан нарига ўта олмади. Юртимизда эса ислом фан даражасига кўтарилди. Ислом илмининг ўндан ортиқ соҳаси Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда юксак тараққиётга эришди. Ислом оламининг Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замаҳшарий, Имом Мотурудий, Азизиддин Насафий, Абу Лайс Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний, Абулбаракот ан-Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн жаъфар Наршахий, Абу Наср Мухаммад Фаробий каби мингдан ортиқ олимлари дин гумбазига айланган юртимиздан етишиб чиқди.

Ушбу таҳлилни давом эттириш мумкин. Лекин мазкур беш хулосадан ҳам маълумки, юртимиз тарихи бой ва маънавияти юксак, салоҳияти ва маънавиятини арабларнинг ўзлари ҳам эътироф этган (Қутайба ибн Муслим эътирофи). Шундай юрт, шундай мукаммал тарих соҳиби бўлган Ўзбекистон халқининг мустақилликка эришиши тасодиф эмас, балки зарурият ҳамда қонуниятдир. Шунинг учун ҳам бунга тўғаноқ бўлишга уринган Шўро империясининг жазаваси ҳам ҳеч қандай иш бермади.

Халқимизда "бир оққан ариқ яна бир кун келиб оқади" деган нақл бор. Яъни Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан тарихий адолатсизлик бархам топди холос. Демак, Юнон, Эрон, араб, чоризм, кейинчалик шўроларга қарам йилларни адолат тамойили бузилган даврлар деб, аксинча, қарамликка бархам берилган йиллар эса адолат тантана қилган даврлар деб ҳисобланиши керак. Истиқлол қўлга киритилган йиллар ҳақида тўғри илмий манзарани чиза олмайдиган сиёсатчилар ҳам йўқ эмас. Гўёки М.С.Горбачев ва Б.Н.Ельцин орасидаги адоват СССРнинг парчаланишига сабаб бўлган эмиш. У ҳолда ижтимоий зарурият ва пишиб етилган сабаб-оқибатлар мажмуаси қаерда қолади? Йўқ, бизларга истиқлол осонликча насиб этгани йўқ. Ўтган аср бошида истиқлол учун кураш майдонига кирган жадидлар, кейинча "босмачилик" тамғаси босилган қуролли ҳаракатлар, очарчилик йилларида берган қурбонларимиз, 30-йиллар қатағонлари, уруш йилларидаги берилган қурбонлар, "пахта иши" қатағонликлари, қолаверса, хом ашё етиштирувчига айлантирилган халқимиз кўрган хўрликлар истиқлол йўлидаги йўқотишларимиз эди. Энг катта йўқотиш миллат руҳининг тутқунлиги, мустабид сиёсату унинг мафкураси исканжасидаги унутилаёзган қадриятларимиз эмасмиди?

Шукрки, истиқлолни қўлга киритиш ҳам, уни мустаҳкамлаш ҳам заргарона ҳал этилди. Матонатли йўлбошчининг изчиллиги туфайли халқ бунёдкорликка йўналтирилди. Кейинги 20 йил ичида Ўзбекистон таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Бироқ бугунги тинч, осойишта ва ёруғ кунларни қадрлай олиш учун бунга қандай йўлни босиб ўтиб келганимизни билишимиз, тасаввур қилишимиз шарт. Президентимиз И.Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китоби бу жараённи ҳаққоний, жонли ёритиб бериши билан ғоят муҳим ва қадрлидир.

Андижон давлат университети,
2012 йил 4 мартда қабул қилинган